




ТОШКЕНТ ОҚҚОШОМНИ



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 83 (9.580) 2001 йил 18 июль, чоршанба Сутувда эркин нархда

ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

17 июль кuni Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда барча вазирлик, қўмита, идора, компания, корпорация, концерн ва уюмлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирок этди. Мажлис 2001 йилнинг биринчи ярми йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолашга бағишланди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди.

Ўтган ярим йилликда Ўзбекистон ҳукуматининг фаолияти макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг молиявий аҳолини мустақамлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилди. Бу даврда ўтган йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 4,2 фоиз ўсди, давлат бюджетининг тушумлари ва харажатлар бўйича кўрсаткичлари мўлжалдигидек бўлди. Бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 0,4 фоиздан ошмади, ташқи савдо ҳажми 3,3 фоиз ортди ва ундаги ижобий фарқ 76,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди, аҳоли даромадлари 19,3 фоиз кўпайди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар самараси ўлароқ, сув танқислигига қарамай, ғалла ўриш мавсумида ўртача ҳосилдорлик 2000 йилдагидан 0,8 центнер кўп бўлди. Шунингдек, валюта бозорини эркинлаштириш, пул муомаласини мустақамлаш, электр энергетика, темир йўл ва автомобиль транспорлари, пахта ва қайта ишлаш, мебель ва қўғоз ишлаб чиқариш саноати, балиқ ҳўжалиги соҳаларини монополиядан чиқариш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди ва ижро этилмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилаётган сармоя ҳажми ўсиб бораётир.

Лекин йил бошида олдат қўйилган вазифаларнинг ҳажми ҳам вақтида тўлиқ бажарилди, деб бўлмайди. Ёқил энергетика комплекси, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати соҳасида, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги корхоналарида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ишларнинг ривожини сусти. Экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларидан умумли фойдаланилмади.

Мажлисда давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратди. Бу бежиз эмас. Кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади. ЯИМнинг ярмидан ортигини шу соҳа беради.

Хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт ва давлат тараққийига, шу билан бирга, миллий фаровонликка эришиш йўлидаги ишлар самардорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу соҳанинг афзаллик томони мослашувчанлик, тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятидир. Катта компания миллион-миллион сўмлик маҳсулот чиқариб, тўсатдан бошланган иқтисодий туфайли сота олмай, қуйиши мумкин. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари бундай вазиятларда, табиийки, анча осон ечим топади.

Албатта, давлатга қарамақанда яшаб, онгига боқимандлик кайфияти қаттиқ ўрнатилган қолган одамларда мулкдорлик ҳиссини уйғотиш осон кечмайди. Лекин мамнуният билан тақдирлаш мумкинки, ҳозир вазият ўн йил илгаридан анча бошқача. Кўпчилик мулкка эгалик ҳиссини англаб етди, мулкдорлар синфи кенгайиб бораётир. Айни шу мулкдорлар синфини кенгайтиришга мос равишда юртимизда ривожланган давлатлардагидек ўрта табақа шаклланиб, қўламини оширяпти.

Мажлисда кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, минтақаларда хорижий сармоя иштирокида қўша корхоналар ташкил этиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистондан чиқадиган хомашё неғизда буюмлар, бутловчи ашёлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тўлов интизомини мустақамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шунингдек, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни қисқартириш, кимё саноатини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Йилги ишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир Ҳ. Султонов, Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазирли Р. Азимов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, алия вазир А. Полвонова, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М. Собиров, Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси А. Бобомирзаев, «Ўзуқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Э. Ақромов, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ҳ. Ҳасанов, Навоий вилояти ҳокими Ф. Дилов, Сидраб вилояти ҳокими А. Исроиловнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

Хурматли йилгилиш қатнашчилари!

Мамлакатимизни 2001 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш яқунларини баҳолаш эканмиз, мен, аввало, қуйидаги натижаларни қайд этиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу даврда ҳам бутун иқтисодиёт, унинг етакчи тармоқ ва соҳаларининг изчил ва барқарор ривожланишига эришилди. Хусусан, ҳисобот даврида ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 4,2 фоизга, саноат маҳсулоти ҳажми 7,5 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10,9 фоизга, ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти 7,7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 8,6 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш эса 13,5 фоизга ўсди.

Иккинчидан, мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўртача ойлик инфляция даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Нақд пул эмиссияси даражаси пасайди. Тўлов интизомини мустақамлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулдати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари сезиларли даражада қамайди. Давлат бюджетининг камомати 0,4 фоиздан ошмади. Экспорт ҳажми ортди, ташқи савдо айланмасида ижобий салдыога эришилди.

Учинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларда саноат ичкилик билан амалга оширилмоқда. Биринчи ярим йилликда иқтисодиётда сармоя киритиш ҳажми 2,9 фоизга, қурилиш-пулрат ишлари ҳажми эса 2,4 фоизга ортди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ярим йилликда мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган йўналишлар — иқтисодиётимиз ва унинг муҳим соҳаларининг ўсиш суръатлари, умумий макроиқтисодий мутаносиблик барқарорлигини таъминлашда олдимизда турган устувор вазифаларни ҳал қилиш йўлида изчил қадамлар қўйилди, десак, ҳеч қандай муволага бўлмайди.

Агар бугунги кунда халқимиз, аввало, қишлоқ меҳнатқашлари қандай мураккаб шароитларда меҳнат қилаётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижаларимизнинг аҳамияти ва салмоғи сўзсиз янада ортади.

Жорий йилнинг қишлоқ ҳўжалиги учун қанчалик ноқулай келгани ҳаммамизга яхши маълум.

Мана, икки йилдирки мамлакатимизнинг қўллаб ҳудудлари мисли қўрилмаган



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2001 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

сув танқислиги ва қўроғочликдан зарар кўрмоқда. Оқибатда мамлакат иқтисодиётига катта микдорда зиён етди. Лалми ерлардаги бутун ҳосил нобуд бўлди, сув етишмаслиги туфайли қўллаб дон ва бошқа экинлар майдонини қисқартиришга мажбур бўлди, айрим туманларда эса экин экишининг умуман иложи бўлмади.

Шунга қарамадан, деҳқонларимизнинг қаҳрамонона меҳнати билан ана шундай мураккаб шароитларда мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифа муваффақиятли адо этилди. Барча турдаги ҳўжаликлар 3,5 миллион тоннадан зиёд бўлмоқда дон, жумладан, 3 миллион 400 минг тонна буғдой ҳосили етиштирилди. 2 миллион 100 минг тоннага яқин буғдой давлат томонидан сотиб олинди, омирборларга гамлаб қўйилди.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган, Денов, Тошкент вилоятининг Бекобод, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Хоразм вилоятининг Гурлан, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз каби қўллаб туманларининг меҳнатқашларига ҳар қанча тасанно айтсак арзийди. Улар мўл ҳосил етиштириб, давлат эҳтиёжлари учун ғалла сотиш бўйича олган мажбуриятларини ошириб бажардилар, ҳар гектар майдондан ўртача 40 центнердан, айрим ҳўжаликлар эса 70-75 центнердан хирмон кўтариб, юқори натижаларга эришилди.

Мен фурсатдан фойдалана

ниб, мана шу юксак минбардан барча лафзи ҳалол деҳқонларимизга 2001 йил ҳосилин етиштириш ва йилги олиш йўлида бепоён далаларда кўрсатган жасоратлари, қаҳрамонона меҳнатлари учун чин қалбимдан чуқур миннатдорлик изҳор этаман. Қадрули дўстлар!

Бугунги мажлисимиз кун тартибига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда доир муҳим ва долзарб муаммоларнинг ечимини топиш билан боғлиқ масалалар қўйилган.

2001 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш яқунларини таҳлил қилар эканмиз, мен фақат муҳим бир масала — кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳоли ва бу соҳалани муаммолар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим.

Биз нима учун бу йўналишга, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг айнан мана шу муҳим соҳасидаги бугунги биринчи даражали эътибор қаратмоқдамиз? Нима учун айнан мана шу муаммо нафақат мамлакатимизнинг иқтисодий тараққийига, шу билан бирга, жамиятимизда ижтимоий ва сиёсий янгиликларини амалга оширишда бугунги кунда ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи стратегик аҳамиятга эга масала бўлиб турибди?

Мен бу саволларга жавоб беришдан олдин дунёда энг ривожланган, жаҳон иқтисо-

диётда етакчи мавқега эга бўлган айрим мамлакатлар тажрибасига сизларнинг диққатингизни қаратмоқчиман.

Бу мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кўп масалаларни ҳал этишга, биринчи гада, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишини таъминлашга, аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади.

Мисол учун, Германия тажрибасини олиб кўрайлик. Бу мамлакатнинг қисқа вақт мобайнида Европа иқтисодиётининг устуворлигини таъминлашга айланишида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳал қилувчи роль ўйнади. Давлатнинг бу боралдаги оқилона сиёсати туфайли урушдан кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётига улуши 10 фоиздан 65 фоизга кўтарилди.

Ёки, кўпчилик, ҳайрат ва ҳавас билан қарайдиган «Япон мўъжизаси» ҳам давлатнинг кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсати самарасидир. Ҳозирги кунда бу ерда иқтисодиётнинг маъзур бўлини мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини бермоқда.

(Давоми 2—3-бетларда)

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Алишер Шайхов Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Факультетда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди ва унга Факультетда ва Мухтор элчи дипломатик мартабаси берилди.
- Навоийда Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган Ўзбекистон ҳайкалтарошларининг биринчи симпозиуми бўлиб ўтмоқда.
- Бухоро Давлат кўриқхона музейи ва вилоят газетаси Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги шарафига «Сиз Бухорони биласизми?» мавзусида танлов эълон қилди.
- Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ҳўжалиги маданият саройида пойтахт вилоятининг шахар ва қишлоқларидagi Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган тўрта кўрик-танлов ғолиблари бўлган ғазу-чилар, расмоллар, хунармандлар, халқ амалии санъати усталари яратган энг яхши асарлар кўргазмаси ўтказилди.
- «Маънавият» нашриёти томонидан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисолиснинг мазмунини очиб беришга хизмат қилувчи туркум плакатлар кўп нусхада чоп этилди.

Жаҳонда

- Илгари хабар берилганидек, Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзямининг Москвага ташрифи чоғида Хитой ва Россия ўртасида дўстлик шартномаси имзоланди. Кўпчилик сиёсатдонлар кўча кираётган маъзур шартнома Хитой ва Россия ҳаммаи дўст мамлакат бўлиб қолишининг амалдаги далили бўлди, деб баҳолашди.
- Сўнгги кунларда авж олиб кетган иختилофларга чек қўйиш мақсадида Қоҳирада Фаластин мухториятининг раҳбари Есир Арофат ва Исроил ташқи ишлар вазирли Шимон Перес ўртасида учрашув бўлиб ўтди.
- Бугун Хитой Халқ Республикасининг Раиси Цзян Цзяминь Беларусга келади. Бу ерда у мамлакат раҳбарияти билан музокаралар олиб боради.
- Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев табиий газ экспортини бўйича ҳукуматларо битим имзолаш мақсадида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзени Бокуга расман тақдир қилди.
- Қоҳирадаги Йиррик кутубхоналардан бирида Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага» номи остида кеча ўтказилди.
- Бельгия пойтахтида Европа Иттифоқи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтмоқда. Ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтаётган маъзур анжуманда Болкон, Марказий Африка ҳамда Яқин Шарқ минтақаларидаги вазият муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, йилгида Европа Иттифоқининг ягона мудофаа сиёсати ҳамда Иттифоқни кенгайтириш масаласи кўриб чиқилди.
- Бугун АҚШ Президенти Джорж Буш ўзининг Буюк Британияга ташрифи билан Европада савфарини бошлади. Бу ерда у Буюк Британия Бош вазирли Тони Блэр билан музокаралар олиб боради. Кейин Джорж Буш «катта саккизлик» саммитида иштирок этиш учун Италияга йўл олади.
- Югославия Президенти В. Коштуница черногориялик социалист Д. Пешични Федерал ҳукуматининг янги Бош вазирли этиб тайинлади.
- Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо Кувайтга келди. Бу ерда Кувайт ҳўкумати билан ташкилотини ислоҳ қилиш масаласи хусусида фикр алмашди.
- Ўтган кун Халқаро Олимпия Қўмитасининг Москвада бўлиб ўтган сессиясида бельгиялик 59 ёшли жарроҳ Жак Рогг унинг янги саккизинчи президенти этиб сайланди. Жак Рогг бундан 10 йил аввал ХОҚ аъзолигига қабул қилинган эди.
- Хитой халқ банки 2008 йилги Олимпиядага бағишлаб кўмуш тангалар зарб эти бошлади. Танганин қиймати ўн юан (тахминан 1 АҚШ доллари)га тенг бўлиб, жами олтинми минг доимий чикарилади.
- Кеча Псков остонасида Деңгиз авиацияси кунини шарафига ўтказилган авиасоуда Россия Қаҳрамони, генерал-майор Т. Алақидзе бошқарган Су-33 самолёти кулаб тушди. Учувчи касалхонага олиб кетилаётган пайтда йўлда ҳаётдан кўз юмди.
- Кеча Душанбеда ўз уйининг йўлида Тожикистон Президентининг халқаро масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси К. Йўлдошев отиб кетилди. Жинояти яширинишга улгурган. Президент И. Раҳмонов ўзининг Тоғли Бадахшонга ташрифини тўхтатиб, пойтахтга қайтиб келган.
- Кеча Ставрополь марказидаги автобус бекатида рўй берган портлаш оқибатида беш киши жароҳатланди. Шулардан икки нафари болалардир. Жароҳат олганлардан икки кишининг аҳоли оғир.
- Яман Президенти Али Ибн Солиҳ асаб касаллиги хуруж қилганлиги сабабли Германия шифохоналарининг бирига ётқизилди. Бундан бир ҳафта олдин у АҚШ шифохонасида даволанган чиккан эди.
- Исроил армияси Иордан дарёсининг гарбий қирғоғидаги Хеврон шахрида террорчиларни топиб, зарарсизлантириш бўйича маъзур операция ўтказди. Операция давомида фаластинликлар билан тўқнашув содир бўлди. Халқаро кўра, можаро пайтда фаластинлик бир қизча яралган.
- Македонияда олиб борилаётган музокаралар жараёни яна боши берк кўчага кириб қолди. Етакчи славян партияларининг вакиллари албанларнинг албан тилга расий мақом бериш тўғрисидаги талабини рад этдилар.
- Хиндистоннинг Агра шахрида ўтказилган Хиндистон — Покистон саммити самарасиз яқунланди. Қашмир муаммоси бунга яна гов бўлди.
- Франциянинг ўнча шахрида 13 ёшдан кичик бўлган болалар учун комендантлик соати жорий этилди. Мактабларнинг ёғи таътили пайтда болаларнинг бир ўзининг қўчаларда кен соат 10 дан эрталаб соат 6 гача юриши тақиқлаб қўйилди.
- Конго Демократик Республикасида ноёб ўсимликлар қамайиб бормоқда. Бунга мамлакат рамзи саналмиш оқили деган ҳониворнинг фақат ўт-ўлан билан озикланиши сабаб бўлмоқда.

ВЕНАДАН ХУШХАБАР

Ирода — турнир ғолиби

Мамлакатимиз теннис юлдузи, ўтган йилги халқаро «Тошкент Оупен» турнири ғолиби, 19 ёшли Ирода Тўлаганова жорий йилдаги катта галабасига эришди.

Маълумки, бу йилги «Тошкент Оупен» турниридан кейин Ирода Буюк Британиядаги Уимблдон турнирида иштирок этиб ярим финал босқичига галаба қозонган, бирок... яна омадсизликка дуч келганди.

Аммо, табиатан тиришқоқ, меҳнатсевар, галабага иштироки зўр ҳаюратимиз ўтган кунда Австриянинг Вена шахрида аёллар ўртасида ўтказилган қиймати 400 минг АҚШ долларини микдордаги халқаро турнирда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини теннис иштирокида галаба қозонган Ирода Тўлаганова икки сета олдиди. Мусобақа ярим финалида Россиянинг анча кучли теннисчиларидан бири Ирина Деметривани мағлубиятга учирата олган ҳаюратимизга ҳал қилувчи финал учрашувда швейцариялик теннисчи қиз Петти Шиндлер рўнара келди. Маҳорат ва тажриба бобида рақибдан устунлик қилган Ирода Тўлаганова икки сет натижаларида кўра 6:3, 6:2 ҳисобида галаба қозониб турнир ғолиблигини кўлга киритди.

Акбар Йўлдошев

Тошкентда Шанхай делегацияси

Мамлакатимизга ташриф буюрган Шанхай шаҳри маъмурия вакили Чжан Хуэйсин раҳбарлигидаги делегация Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлди. Сўхбат чоғида томонлар Тошкент ва Шанхайнинг биродарлик алоқаларини янада ривожлантириш, маъзур икки шаҳарнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қўламини кенгайтириш, хусусан, янги сармоявий лойиҳаларни

амалга ошириш ҳамда бошқа бир қанча соҳаларда тажриба алмашишни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилди.

Маълумки, Шанхай Хитойнинг энг йирик саноат марказларидан биридир. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти, хориждан келатган

сармоянинг 5-6 фоизи айни шу шаҳар ҳиссига тўғри келади. Айни пайтда Тошкент ишбилармон доиралари Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги доирасида шанхайлик тадбиркорлар билан кенг қўламли шериклик ўрнатиш билан машғул.

Шанхай делегацияси аъзолари Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида ҳам учрашув ўтказди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган сўхбат чоғида Тошкент—Шанхай алоқалари доирасида амалга оширилган ва оширилажак ишлар борасида фикрлашиб олинди.

(ЎЗА).

ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РЎҲИНИ

(Давоми.
Боши 1-бетда).

Ана шундай иқтисодий сиёсат натижасида Японияда ислохотларнинг бошлангич даврида аҳоли жон бошига 500 АҚШ доллари миқдоридан даромад тўғри келган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 38 миң долларга етмоқда. Бу — дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Кичик ва ўрта бизнес ҳақида гапирганда, яна бир мисолни айтиб ўтмасам бўлмайди. Жаҳон саноатида етакчи ўрин тутадиган "Ямаха" трансмиллий компанияси ҳақида ҳаммангиз эшитсангиз. Бу компания бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида бир неча миллиард АҚШ доллари миқдоридан ўз маҳсулотларини сотади.

Азиз дўстлар, биродарлар, эътибор беринг, мана шу машҳур компания ҳам 40-йилларнинг охирида 7 кишидан иборат велосипедларни таъмирловчи кичик кооператив сифатида фаолият бошлаган эди.

АҚШ иқтисодиёти деганда, кўпчилиكنинг кўз олдига "Форд", "Женерал Электрик", "Боинг" каби йирик концерн ва корпорациялар келади. Ҳолбуки, амалда Кўшма Штатлар иқтисодиётининг асосини кичик ва ўрта бизнес ташкил этади. Унинг мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши кейинги 40 йил мобайнида 10 фоиздан 52 фоизга ўсди.

Европа Иттифоқи аъзо бўлган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибига эса кичик ва ўрта бизнес улуши 67 фоиздан ортқ экани ҳам бежиз эмас.

Масаланинг яна бир эътиборга сазовор жиҳати шундаки, юқорида тилга олганимиз Японияда кичик ва ўрта бизнес тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 80 фоизи, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса 70 фоизи ишлайди.

Бошқача айтганда, кичик ва ўрта бизнес амалда одамларни иш билан таъминлашнинг муҳим омил ва аҳоли даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бу мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат тизими шаклланиб буюб, у биринчи гада бу борадаги ҳуқуқий базани яратишга ва талбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга асосланади.

Шунингдек, уларнинг узок муддатли кредит ресурсларидан имтиёзли фойдаланиши, имтиёзли солиқ тартибини, ишлаб чиқариш, молиявий, ижтимоий, бозор инфратузилмаларини шакллантириши ҳам пировард натижада иқтисодиётнинг ана шу тармоғини самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

Шуниси муҳимки, бу мамлакатларда иқтисодиёт таркибининг ўзига хос хусусиятларидан, халқнинг менталитетидан, мавжуд ресурслар ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган давлат сиёсати амалга оширилди.

Мисол учун, Германияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган,

озик-овқат ва бошқа истеъмол молларининг қўллаб тувларини ишлаб чиқарадиган корхоналар давлат тарафидан ҳар томонлама рағбатлантирилди. Улар қишлоқ жойларида цехлар шаклида кичик-кичик ишлаб чиқариш қувватлари сифатида ташкил этилган эди.

Японияда эса асосий эътибор йирик бизнес билан кичик ва ўрта бизнес ўртасида кооператив алоқалар тизимини шакллантиришга қаратилди.

Йирик корхоналарнинг бутловчи қисмлар, материаллар етказиб берадиган тармоқларни барпо этиши рағбатлантирилди. Бу эса саноатда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш имконини берди ҳамда ташқи бозорларга япон товарлари ва технологияларини экспорт қилиш ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган ва бошқа кўп-кўп мамлакатлар мисолидаги жаҳон таърибасига таяниб, биз кўйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

Биринчидан, кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади.

Бундан ташқари, ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятини ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириши масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида ҳамда бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур таъминотга тез мослаша олиши туфайли ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартириши, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга. Шу тарихда кичик бизнес бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олади.

Агар ҳозирги замон шароитида асосий истеъмол моллари конъюнктураси дунё бозоридан ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб туришини инобатга олсак, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг изчил ривожланишида нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Азиз дўстлар!

Моёмики, биз Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олиб, иш юритишни истар эканмиз, хусусий талбиркорликни, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришининг мана шу ўзига хос жиҳатлари ва афзалликларига жиддий эътибор берилганимиз, ўзимизга керакли хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

Бизга эски маъмурий-буйруқчилик, тақсимлаш тизимидан бирёқлама ри-

вожланган, ночор иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолгани барчангизга яхши маълум.

Бу тизимнинг жуда кўп нуқсонлари борлигини ҳабардоримиз. Лекин уларнинг ичида биз учун ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган томони шу эдики, Ўзбекистон иқтисодиёти СССР халқ хўжалиги таркибида унинг ажралмас бир қисми бўлиб, ягона умумиттифоқ комплекси деб аталмиш ушбу тизимда, аввало, арзон хомашё базаси сифатида хизмат қилар эди.

Агар ўша даврдаги республика саноати ва у билан боғлиқ тармоқлар ҳақида гапирадиган

йўлга қўйиш вазифаларини ҳам муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олдик.

Бу масаланинг ечими, биринчи гада, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ва тармоқларни жадал ривожлантиришни тақозо қилар эди. Шу билан бирга, бу мураккаб вазифани қисқа муддатда ҳал этиш лозим эди.

Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбарлош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш зарур эди.

Уйлайманки, мана шун-


инининг 15 фоизи, гўштининг 25 фоизи, сутнинг 5 фоизи қайта ишланаётганини кўриш мумкин.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланган талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривож учун фойдаланилмаётган қанча имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Биз ана шу имкониятлардан тўла фойдалана олсак, мазкур соҳа аҳолини иш билан таъминлашда, энг муҳими, одамларнинг даромадини оширишда янги манба бўлиб хизмат қилади. Бундай имкониятларимиз ҳақида эса кўп гапирш мумкин.

Хўш, бу муаммонинг қандай ечими бор?

Ҳаммамизга маълумки, биз қишлоқ жойларида йирик саноат комплексларини барпо эта олмаيمиз. Чунки улар ўз-ўзини қопламайди ва қутилган самарани бермайди.

Бу борада собиқ совет даврида ўзини мутлақо оқламаган тажрибани қўллаш ҳам мумкин эмас. Бу номақбул тажриба шундан иборат эдики, шаҳарларга катта-катта саноат комплекслари —



бўлсак, уларнинг асосан қишлоқ хўжалик хомашёси ҳамда минерал-хомашё ресурсларини дастлабки қайта ишлаш ва бу маҳсулотларни СССРнинг бошқа маркази минтақаларига етказиб бериш билан банд бўлганини айтиш лозим.

Айни вақтда республиканинг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг 70 фоиздан кўпини таъминлайдиган товарлар, биринчи гада, кенг халқ истеъмол моллари ташқаридан олиб келинарди.

Жумладан, гўшт ва сўт маҳсулотлари, ун, қандолат каби озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми, болалар озиқ-овқатларининг 100 фоизи, ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида захиралари тўлиб-тошиб ётган ош тузи ҳам четдан келтирилар эди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмаган, ибтидоий бир ҳолатда эди.

Шу муносабат билан бир ҳақиқатни такроран эслайтиб ўтмоқчиман. Бу ҳақиқат шундан иборатки, давлатнинг мустақиллиги — бу нафақат сиёсий, балки, энг аввало, иқтисодий тушунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, узаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам биз янги давлат, янги жамият қуришга киришган дастлабки кунлардаёқ энергетика-ёқилги ва гада мустақиллигини қўлга киритиш вазифаси билан бир қаторда, ички бозорни ўзимизда, ўз хомашёмиздан ишлаб чиқариладиган товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг

дайд оғир бир вазиятга кичик ва ўрта корхоналарнинг, хусусий талбиркорликнинг аҳамияти нечоғли беқийёс эканини ишбилан ўтиришга ҳолат бўлмаसा керак.

Масаланинг бошқа яна бир ўрта муҳим томони ҳам бор. Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, бизда аҳоли, айниқса, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Уларнинг сони йилига тахминан 200-230 миң кишига кўпаймоқда.

Шу нуқтан назардан қараганда, ортиқча ишчи қучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Сир эмаски, бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири — кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий талбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Энди масаланинг учинчи томони ҳақида тўхталайлик. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми — деярли 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бугунги кунда айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, айниқса, кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ер ва, биринчи гада, сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Табиийки, бу масалани қишлоқ хўжалиги ўз ҳоли-ча ҳал қила олмайдди. Бунинг устига, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самардорлигини янада ошириш ишчи қучларини камайтириб бо-

мажмуалари бунёд этилиб, уларда ишлаш учун эса одамлар 60-70 километр узоқликда жойланган қишлоқ жойларидан ташқиб келтирилари. Бундай номақбул тажрибани биз Фарғона, Андижон, Тошкент, Бухоро тўқима-чилик комбинатлари ва бошқа кўпгина корхоналар мисолида кўрганмиз ва у ўзини оқламаганини ҳам яхши биламиз.

Модомики, шундай экан, бугунги мавжуд вазиятдан қандай чиқишимиз керак? Бу муаммони ҳаммамиз биргаликда ҳал қилишимиз зарур. Лекин бу ўрта оғир вазифани ечишда жойлардаги раҳбарлар — хўжалик мутасаддиларидан тортиб туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларигача — асосий ташаббускор бўлиши даркор.

Бунинг учун эса қишлоқ жойларида, биринчи гада, талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самардорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак.

Шу ўринда бир савол туғилади: бу ишни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва омиллар борми? Биргина қишлоқ хўжалик хомашёси ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини олиб кўрайлик.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган ҳолининг қанча қисми қайта ишланаётганини кўрсатувчи фактларга мурожаат қилсак, меванинг атиги 15 фоизи, сабзавотнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларининг 5 фоизи, узумнинг 23 фоизи, терининг 26 фоизи,

гўштининг 15 фоизи, сутнинг 25 фоизи, сутнинг 5 фоизи қайта ишланаётганини кўриш мумкин.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланган талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривож учун фойдаланилмаётган қанча имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Биз ана шу имкониятлардан тўла фойдалана олсак, мазкур соҳа аҳолини иш билан таъминлашда, энг муҳими, одамларнинг даромадини оширишда янги манба бўлиб хизмат қилади. Бундай имкониятларимиз ҳақида эса кўп гапирш мумкин.

Хўш, бу муаммонинг қандай ечими бор?

Ҳаммамизга маълумки, биз қишлоқ жойларида йирик саноат комплексларини барпо эта олмаимиз. Чунки улар ўз-ўзини қопламайди ва қутилган самарани бермайди.

Бу борада собиқ совет даврида ўзини мутлақо оқламаган тажрибани қўллаш ҳам мумкин эмас. Бу номақбул тажриба шундан иборат эдики, шаҳарларга катта-катта саноат комплекслари —

Шуни унутмаслик зарурки, бугунги кунда етиштирилаётган пахта хомашёсининг фақат 25 фоизини ўзимизда қайта ишланмоқда ва тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатмоқдаки, пахта толаси узлуксиз ва ҳар томонлама сифатли қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилса, ундан олинладиган даромад 6-7 баробар ортиши мумкин.

Айни пайтда шунини ҳам ёда тутиш керакки, бунинг учун энг замонавий технологиялар, энг илғор ускуна ва дастгоҳлар зарур.

Ва, табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбарлош, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган бўлиши учун катта инвестициялар керак, албатта.

Азиз ватандошлар! Талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожининг беқийёс аҳамияти ҳақида гап борар экан, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Мазкур муаммони ечиш орқали, яъни биз барча юртдошларимизни талбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб қилар эканмиз, уларнинг хусусий талбиркорлик фаолиятини ташкил этишида зарур шарт-шароитни яратиш керак.

Бундай чора-тадбирлар туфайли кўшимча равишда 178 миңга янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса ярим йиллик прогноз кўрсаткичларидан 27 фоиз кўпдир.

Бугунги кунда 3 миллион киши ёки мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда.

Кейинги йилларда ки-

менталитети ва дунёқаро-шини ҳам ўзгартиришга эришган бўламиз.

Ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатнинг ўзи боқадим, дея боқимандлик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи гада, ўз кучи, билими, таъриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёнлар.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири, келажаги мана шу жараённи қай даражада муваффақиятли амалга ошира олишимизга боғлиқ. Буни барчамиз чуқур тушуниб олишимиз даркор.

Шуниси эътиборлики, бундай одамлар ил сайини кўпайиб бормоқда, улар, таъбир жоиз бўлса, барқарорликнинг асосий кафолатига, жамиятимизнинг тараққиёт ва юксалиш сари боришида мустақкам таянч ва ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, биз барчамиз ягона бир ҳулосага келишимиз табиий. Яъни, кичик ва ўрта бизнес, хусусий талбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўлиб, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омил ҳам бўлиши даркор.

Хўрматли мажлис иштирокчилари!

Энди сизлар билан кейинги йилларда юртимизда кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни кўриб чиқайлик.

Шубҳасиз, биз мустақиллик йилларида бу борада изчил давлат сиёсатини олиб бориб, муайян илҳомий натижаларни қўлга киритдик. Хусусан, агар 1991 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши атиги 1,5 фоиз бўлган бўлса, 2000 йил натижаларига кўра, бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этади.

2001 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимизнинг бу соҳаси ҳам бир маромад ривожланди. Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши, қийёсий кўрсаткичлар бўйича, ўтган йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 2 фоизга ошди ва қарийб 32 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда 190 миңга ўрта ва кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу — йил бошидаги нисбатан 16 миңга кўп, демакдир. Бу давр мобайнида тижорат банклари ва бошқа молия тузилмалари орқали ушбу корхоналарга кредит бериш учун 72 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бундай чора-тадбирлар туфайли кўшимча равишда 178 миңга янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса ярим йиллик прогноз кўрсаткичларидан 27 фоиз кўпдир.

Бугунги кунда 3 миллион киши ёки мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда.

Кейинги йилларда ки-

чик ва ўрта бизнес фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди, қулай солиқ тартиби яратилди.

Банк тизими хусусий талбиркорлик тузилмалари билан самарали ҳамкорликда ишлаш бошлади.

Бу мақсадлар учун хориждан 455 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағлари жалб этилди.

Лекин, шунинг билан олиш керакки, кўриляётган бундай чора-тадбирларга қарамадан, иқтисодиётнинг бу соҳасида мавжуд бўлган улкан салоҳиятдан халқимиз тўлиқ фойдаланилмапти.

Биринчи гада, аксарият одамлар онгида иқтисодий тараққиётни, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини кўпайтиришнинг беш омил бўлган кичик ва ўрта бизнесга, хусусий талбиркорликка нисбатан муносабат тубдан ўзгаргани йўқ.

Афсуски, биз кичик бизнес ва талбиркорликнинг иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кўп гапирганимиз, амалда эса уларнинг муваффақиятли ривожланишини рағбатлантириш, бунинг учун зарур кафолатларни таъминлаш борасида барча куч ва имкониятларимиздан тўла фойдаланмаимиз. Бу таассуфли ҳолни тасдиқлайдиган баъзи бир аниқ фактларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Юқорида айтиб ўтганимдек, мамлакатимизда талбиркорликни ривожлантириш учун тегишли метёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Бироқ амалдаги қонунларнинг чуқур таҳлили уларни такомиллаштириш ва янги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлдириш зарурлигини кўрсатмоқда. Афсуски, амалдаги баъзи ҳуқуқий ҳужжатларимиз турлича талқин қилиниши мумкин.

Бу эса айрим идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан талбиркорлар манфаатларига зийн етказувчи ҳужжат ва қарорлар қабул қилинишига йўл очиб бермоқда.

Шунинг таъкидлаш керакки, баъзи метёрий ҳужжатлар талбиркорлик субъектлари манфаатларини эмас, балки айрим идоралар манфаатларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган.

Масалан, биноларни ижара олиш учун тегишли шартномалар фақат бир йил муддатга тузилади. Натижада талбиркор шартнома кейинги йил учун узайтириладими-йўқми — билмайди.

Бунинг устига, ижара берувчилар ўзининг монополия ҳуқуқидан фойдаланиб, бундай шартномаларни кичик корхоналар учун олдиндан ноқулай, ҳатто айтиш мумкинки, уларни ночор аҳволга солиб қўйдиган шартлар асосида тузишга мажбур қилади.

Алдия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси барча манфаатдор идора ва тузилмалар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларини, айниқса, метёрий ҳужжатларни қайтадан жиддий инвентаризация қилишлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг, хусусий талбиркорликнинг ривожланишига гов-тўсиқ

ҚАРОР ТОПТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

булаётган қоида ва низомларни аниқлаб, уларни бартараф этишлари зарур. Кўплаб тadbиркорлар, айниқса, эндигина иш бошлаётган ишбилармонлар, табиийки, тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари, унинг юридик ва иқтисодий шарт-шароитлари тушунарли тарзда баён этилган ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларига эҳтиёж сезади. Улар ана шундай кўламага ва маълумотнолик қилиб топ этилиб, кенг тарқатилмаганлиги туфайли қийинчиликларга дуч келмоқда.

Адлия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, Давлат матбуот қўмитаси кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, хусусий тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш масалаларни бўйича меърий ҳужжатлар тўпламлари, маълумотнома ва методик адабиётларни кенг қўламага топ этиб, тарқатишни ташкил қилишлари зарур.

Кейинги масала. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини бирмунча соддалаштириш керак. Эндигина иш бошлаётган тadbиркор ҳали бу соҳага қадам қўйиб улгурмасдан, ўз корхонасини рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб турли-туман бюрократик тўсиқларга, кўпинча очикдан-очик таъмагирилик ҳолатларига ҳам дуч келади.

Айниқса, қишлоқлардаги тadbиркорлар мушкул аҳволда қолмоқда, улар бюрократик найранглар туфайли туман марказларига, баъзан эса, вилоятдаги идораларга кўп мар- талаб қатнашга мажбур бўлмоқда.

Узингиз ўйланг, бирон кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун 7 та идорага мурожаат қилиш керак бўлса, 40 тага яқин ҳар хил ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинса, улардан 28 таси эса бир-бири- ни такрорлайдиган ҳужжатлар бўлса, бу бемаъниликни қандай изоҳлаш мумкин? Корхонани рўйхатдан ўтказиш ва турли идораларда ҳисобга қўйиш чоғида ҳам ортиқча, ўзини оқламайдиган тартиблар ўрнатилган.

Мисол учун, низомнинг кўплаб нуҳсалари, нусха бўлганда ҳам, нотариус томонидан тасдиқлангани, рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги қарор нуҳсалари, фирма номи ҳақидаги гувоҳнома сингари ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинади.

Тadbиркор ҳали иш бошлагандан туриб, ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб қанча вақт ва асабини йўқотган, кўплаб сарф-ҳаражатлар қилишга мажбур бўлади. Буларнинг барчаси тadbиркорлик билан шугулланишга бўлган иштиёқни сўндиришга олиб келади, ҳоло.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги ҳозирги руҳсат бериш тартибидан уларни тadbиркорнинг аризаси асосида тасдиқлаш тартибига тезроқ ўтиш керак. Махсус руҳсат талаб қилинадиган алоҳида фаолият турлари бундан мустасно, албатта.

Демокриманки, микрофирмаларни, кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини жиддий равишда соддалаштириб, бу иш билан шугулланадиган ягона

марказлар тузиш вақти келди. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ишини Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Улар барча шаҳар ва туманларда тузилган Ахборот-маслаҳат марказлари орқали нафақат тadbиркорларга керакли ҳужжатларни тайёрлаб бериши, ҳатто рўйхатдан ўтказиш органларида тadbиркорларнинг вакили вазифасини бажариши ҳам мумкин.

Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа манфаатдор илора ва ташкилотлар билан биргаликда **икки ҳафта мuddат ичида** Вазирлар Маҳкамасига кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибини соддалаштириш бўйича таклиф киритсин.

У ч и н ч и д а н, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда нафақат унинг аҳамиятини тушуниб етмаслик, балки тadbиркорлик соҳасининг ҳозиргача ҳам коррупцияга таъиниқдан, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчиликларидан ишончли ҳимоя қилинмагани ва нороллиги бизнинг ишимизга жиддий халақит бермоқда.

Бундай салбий ҳолатнинг асосий сабаби — ҳали-ҳануз назорат қилувчи идораларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берилгани, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини текширувчи органлардан ишончли ҳимоя қиладиган меърий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг узил-кесил ишлаб чиқилмаганида, деб ўйлайман.

Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг энг муҳим бўғини суд органлари ва жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Биз ҳали ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг фаолиятини сезма-ямиз. Судларнинг вакиллик ва ижро органлари қош-қовонига қараб қарор қабул қилишдек мустабил тузум давридан мерос бўлиб қолган амалиёти ҳанузгача барҳам топгани йўқ.

Лекин бизнинг энг катта камчилигимиз шундаки, тadbиркорларнинг ўзлари ўз ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслар, ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни яхши билмайдилар.

Айниқса, тadbиркорлик соҳаси бўйича ихтисослашган юқори малакали адвокатларнинг етишмаслиги сезилмоқда.

Кўпчилик тadbиркорлар учун эса адвокатлар хизматидан фойдаланиш жуда қimmat тушмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш усулига ёпишиб олмасдан, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва оғохлантириш усулига кескин равишда ўтиш зарур.

Тadbиркорлар манфаатини ҳимоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқени янада ошириш керак.

Бизда аудиторлик фаолияти етарли даражада ривожланган эмас, у ҳалигача тadbиркорлик субъектлари билан назорат қилувчи органлар ўртасида муносабатлар механизмида ўзига хос ўринга эга бўла олмайпти.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозир фаолият қўрсатаётган 500 дан зиёд аудиторлик компаниялари ишлари ибтидоий бир ҳолда, пала-партиш олиб боришмоқда.

Мамлакатнинг шаҳар ва туманларида ўз филиалларига эга бўлган, профессионал, йирик, мустақил, умуммиллий аудиторлик компаниялари тузиш вақти келди.

Адлия вазирлиги ва Олий ҳужжалик суди тadbиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш, мажаллий ҳокимликлар, жойлардаги давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг тadbиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралашувиغا йўл қўймасликка доир қатъий чора-тadbир-ларни белгилаш, суллар ва аудитларнинг тadbиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги мавқени ошириш, адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш ва уларни тadbиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга жалб этиш каби масалалар бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш, **икки ой мuddат ичида** Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши зарур.

Т ў р т и ч и д а н, кичик ва ўрта корхоналарнинг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни технологик ускуналар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш муаммосини ҳал қилиш бўйича ҳам кескин чора-тadbирларни белгилаш лозим.

Кичик ва хусусий фирмалар кўпчилик ҳолатларда хомашё бозорининг ривожланмагани туфайли товар-хомашё ресурсларини, қонунни четлаб ўтиб, нақд пулга харид қилмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, кўплаб қонунбузарликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони кечиктирмасдан ҳал қилиш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил яқунларида бағишланган йиғилишида «Узлуғривчибиржасавио» ташкилотининг фаолияти кескин танқид қилинган эди. Ҳозирги вақтда бу тизимнинг таркибий тузилиши ўзгартирилди, вилоятлардаги улгурчи савдо тузилмалари мустақамланди, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси эса мустақил тузилма мақомини олди.

Биз бугун улардан кичик ва ўрта корхоналар, хусусий тadbиркорларни зарур хомашё ва материаллар билан таъминлаш, уларнинг маҳсулотларини сотишда ёрдам қўрсатиш бўйича ўз фаолиятини тубдан яхшилашни талаб қилишга ҳақимиз. **Мен уларни йил якунида қилинган ишлар бўйича ҳисобот беришлари ҳақида оғохлантириб қўймоқчиман.**

Кичик ва ўрта корхоналар ускуналарини, айниқса, чет эл ускуналарини сотиб олишда маълум қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Кичик корхоналар, аввало, янгитдан иш бошлаётган корхоналар учун ускуналар сотиб олиш қimmat тушяпти, лекин тизими эса ҳали-ҳануз кенг миқёсда ривожлангани йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг валюта тушумини Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилиш тўғрисидаги қарори бу муаммони ечишда кўп жиҳатдан ёрдам беришига ишончим комил. Айни пайтда кўплаб корхоналарнинг оғир ва цехларида ҳали ўрнатилмаган, ишламай ётган, лекин кичик корхоналар учун ўта зарур бўлган, қиймати миллионлаб сўмларни ташкил этадиган замонавий ускуналар чанг босиб ётибди.

Давлат мулки қўмитаси тегишли ҳужжалик бирлашмалари ва корхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда **икки ой мuddат ичида** ҳужжалик бинолари, фойдаланилмаган ва ўрнатилмаган ускуналарни кичик ва ўрта тadbиркорлик субъектларига босқич-босқич ижарага бериш ёки лизинг асосида сотиш ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантирсин.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далolat берадики, кичик ва ўрта корхоналарнинг моддий-хомашё ресурслари ҳамда ускуналардан фойдаланиш имкониятларининг орттишида, энг асосийси, уларнинг барқарор ривожланишида узоқ мuddатли кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали йирик фирмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим омил ҳисобланади.

Бундан ҳар икки тараф манфаат қўради. Бир томондан, бу кичик ва ўрта корхоналар барқарорлигини оширишга қўмақлашадилар, уларнинг йирик бурюмталарга эга бўлиши ҳамда моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиши учун кенг йўл очилади, маҳсулот бозорини кафолатлайди.

Иккинчи томондан, йирик корхоналар кичик корхоналарнинг афзал жилдларидан, яъни уларнинг янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши нисбатан кам харажат билан тез ўзлаштира олиш қобилиятидан фойдаланиб, ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширади.

Мамлакатимиздаги кўпгина йирик корхоналар ҳам, агар ишни ўзаро манфаатли тарзда ташкил этишни истаса, кичик биз-нес иштирокчиларини ўз атрофига ана шундай ҳамкорлик асосида уюштириш имкониятига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслар Мақроқиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, идоралар, ҳужжалик бирлашмалари ва корхоналар, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси билан биргаликда **икки ой мuddат ичида** мамлакатимиздаги йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

Катта аҳамиятга эга бўлган яна бошқа бир масала — бу хусусий тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий ресурслардан фойдалана олиш имкониятидир.

Гарчи сўнгги бир ярим йил мобайнида бу соҳадаги молиялаштириш ҳам-ларидега ижобий сўлжишлар кўзга ташланаётган

бўлса-да, кредитлар бериш жараёнини соддалаштириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Табиийки, биз орқа-олдига қарамай, кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. **Лекин банклар учун хусусий тadbиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар мижозларнинг қарзларини қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин.**

Шунингдек, тadbиркорлик билан шугулланишни, ўз ишини очини истайдиган, лекин ҳозирча етарли маблағ бўлмаган ишбилармонлар учун бошланғич капитал жамғармаларни ташкил этиш ҳам мумкин.

Шу муносабат билан **мен «Бизнес-фонд» ҳамда Деҳқон ва фермер ҳужжаликлар жамғармасининг вазифаларини қайта қўриб чиқишни таклиф этаман.** Бунда мазкур тузилмалар бошловчи тadbиркорларга ўз ишини ташкил этиш учун гаров ёки кафилик асосида, тижорат банклари орқали имтиёзли ёки фойсиз, 2-3 йилдан сўнг қайтариш шарти билан бошланғич молиявий ресурслар бериши қўзда тутилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масала хусусида тўхталмоқчиман. Агар ўз фаолияти, тўғривоғи, фаолиятсизлиги туфайли ай-рим кичик корхоналар сингари ёки ёпиқла, бу ҳодисадан қандайдир фожиа ясаб, муаммо қилириш керак эмас.

Бундан хавотирга туш-маса ҳам бўлади. Чунки дунёда ҳар куни минглаб корхоналар ёпилади, минглаб корхоналар янгитдан очилади. Бу ҳам табиий бўлиб, бозор иқтисодиётининг бир қўришидир.

Бундай ҳолатда корхоналарнинг синишига олиб келган сабабларни аниқлаш ва таҳлил этиш мумкин. Бу борала ҳал қилувчи нарсас, авваламбор, конъюнктура ва талабнинг ўзгаришидир.

Агарда кимда-ким, бозор мен учун доимо қўлай-лигича қолади, маҳсулотимга талаб бундан буйён ҳам узоқ йиллар давомида ўзгармай тураверади, деб ўйласа, катта таҳота йўл қўлади. Конъюнктура, юқоридега айтиб ўтганимдек, талаб ва эҳтиёжни ўзида акс эттириб, мунтазам равишда ўзгариб туради.

Кимки конъюнктура ўзгаришини мунтазам кузатиб борса, маркетинг билан шугулланса, унинг талабларини ўз вақтида ҳисобга олса, у кескин рақобат курашига бардош бера олади. Ишлаб чиқариш таркибининг вақтида ўзгартириб бормаيدиган тadbиркорнинг иши эса, шубҳасиз, касод бўлади.

Бундай ҳолга тушмасликнинг бошқа бир муҳим омил — бу ишлаб чиқариш изчиллик билан моддернизи қилиб бориш, маҳсулот тайёрлаш технологиясини мунтазам янгиллаш, товарнинг қўриниши ва дизайн устида тинимсиз ишлашдир. Маҳсулотнинг рекламасига кўпроқ эътибор қаратиш, бу борада маблағни аямаслик лозим.

Ташқи жиҳатдан кўримсиз, харидорни ўзига тортмайдиган ва, энг ёмони, қўлай, талабга жа-

воб берадиган тарзда қадоқланмагани сабабли, истеъмол нуқтан назардан, дурустгина товарлар ҳам сотилмай қолаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ачинарли бир ҳол шундан иборатки, биз кўпинча хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларини сувтекинга ташқарига чиқарамиз, сўнг эса уларни қайта ишланган, чиройли қадоқланган ҳолда уч баробар қimmatига сотиб оламиз.

Айниқса, айнан ана шу тармоқлар ва тузилмалар учун мутасадди бўлган раҳбарлар ва масъул мутахассислар ўша бежирим қадоқланган маҳсулотларни жон-жон деб сотиб олиб, бу ҳам етмагандек, айтайлик, ана шу оддий кетчуп ва шунга ўхшаш маҳсулотлар аслида ўзимиз экспорт қилган хомашёдан тайёрланганини эсидан чиқариб, уларни мақтаб ўтиришига нима деса бўлади?

Бир пайтлар савдо тизимида қўшимча қиймат яратилмайдиган, деган фикр мавжуд эди. Бундай эски тушунча айрим раҳбарлар онгида ҳанузгача сақланиб қолган. Бозор иқтисодиёти эса бунинг аксини кўрсатмоқда.

Савдода маҳсулотнинг нафақат янги қиймати, балки унинг сифат жиҳатидан тубдан яхшилланган ташқи қўриниши, хари-доргир бўлган мутлақо янги шакли яратилдики, кўпинча бу жараён товарнинг нархини белгилашда унинг қийматидан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга бўлади. Буни ҳамма би-лиши ва эътиборда тути-ши лозим.

Хурматли дўстлар! Банкротликка учрамасликнинг яна бир муҳим омил — бу **бизнеснинг бошқаришни такомиллаштириш, бошқача айтганда, менежмент сапаятини пухта эгаллашдир.** Катта биз-несга нисбатан кичик биз-несда менежментнинг роли кўпроқ аҳамият касб этади, чунки кичик биз-несга соҳасида ишлаб чиқаришнинг тезкорлиги, мослашувчанлиги катта биз-несга нисбатан анча юқори бўлиши лозим.

Менежмент ҳақида сўз юритар эканмиз, шундай табиий савол туғилади: хўш, бугун кичик бизнес учун бошқарувчилар тайёрлаш билан ким шугуллани-япти, ким ташкилотчи-тadbиркорлар тайёрла-япти?

Маълумки, бизда бундай мутахассисларнинг му-айян қисми олий ўқув юр-тиларида тайёрланади. Биз ўз олдимизга кичик биз-несни, микрофирмаларни жадал ривожлантириш мақсадини қўйган экан-миз, қуйидаги саволларга аниқ жавоб топишимиз керак: бу соҳа учун тайёр-профессионал даражада тайёр-ланган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни олий ўқув юртиларининг ўзи қаноатлантира оладими? Қолаверса, бунинг учун тўрт йил ўқитиш шартми?

Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналар ўз фао-лиятида кўплаб муаммо-ларга дуч келмоқда. Бун-га, аввало, ақсарият тadbиркорларнинг ўзи талаб-ка жиҳатидан замонавий талабларга жавоб бера ол-маслиги, уларнинг ҳуқуқий маданият ва иқтисодиёт асосларини бизнес-режаларни тўғри ишлаб чиқиш, кредит олиш учун ҳужжатларни тўғри рас-миyllаштириш, ҳисоб-ки-тобни тўғри юритиш,

ҳужжалик шартномаларини тузишда тажриба ва би-лимнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Айни мана шу ҳолатлар кўпинча турли-туман май-да ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқармоқда ва бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамда назорат органлари-нинг айрим нопок ходим-ларига қўл келмоқда.

Бунинг натижасида улар тadbиркорларга бегараз ёрдам бериш, қўллаб-қув-ватлаш, ўз вақтида масла-ҳат бериб, ана шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ўрнига, ха-толарни сўний равишда бўрттириб қўрсатиб, таъ-магирилик йўлига ўтади.

Ўз-ўзидан савол туғила-ди: нима сабабдан турли-туман текширувчилар йи-рик корхоналарга бош са-бақвермайдилар? Бунинг саба-би шунки, у ердаги мута-хассисларнинг саводи етарли — улар бундай тек-ширувларнинг ноўрин ўтказилишига профессио-нал жавоб бера олади, ке-рак бўлса, билим ва савия масаласида текширувчи-ларнинг ўзини хижолатга солиб қўйиши ҳам мум-кин. Афсуски, кичик биз-нес соҳасида эса аҳвол бошқача.

Бу ҳолга барҳам бериш учун зарур иқтисодий ва юридик тушунчаларни профессионал даражада эгаллаган, ҳужжалик фао-лияти нормаларини пухта биладиган тadbиркорлик соҳаси ташкилотчиларини, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, фермер ҳужжаликларининг бўлгуси раҳбарларини махсус дасту-р асосида тайёрлашни кенг йўлга қўйиш даркор.

Бунинг учун, аввало, раҳбар ва ташкилотчи-тadbиркорлар тайёрлашга их-тисослашган касб-ҳунар коллежлари рўйхатини аниқлаш керак. Улар учун махсус таълим дастурлари ишлаб чиқиш лозим.

Бундай коллежларнинг битирувчилари ҳам иқти-содиёт, хусусий тadbир-корлик, кредит ва солиқ соҳасида юридик жиҳат-дан зарур билимларга эга бўлсин, компьютер техно-логиясини эгалласин, за-монавий Интернет тизи-мидан фойдалана олсин.

Мақроқиқтисодиёт ва статистика, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлик-лари, Давлат мулки қўми-таси бир ой мuddат ичида кичик ва ўрта бизнес учун ташкилотчилар, кичик корхоналар учун иқтисод-чилар, бухгалтерлар ва бошқа мутахассислар тай-ёрлашга ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш, бу бо-рала тегишли ўқув дастур-лари ишлаб чиқиш бўйи-ча таклифлар тақдим эт-син.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мамлақати-мизда тadbиркорликни бю-рократик аппарат ўзраво-лигидан ҳимоя қилиш, ҳеч қимга керак бўлмаган тек-ширувлар, тафтишлар ва назоратларнинг олдини олишга қаратилган сама-рали тизим яратиш бўйи-ча амалга ошираётган кат-та ишларимизнинг аҳами-ятини яна бир бор таъ-кидламоқчиман.

Маълумки, бу ишларни мувофиқлаштириш вази-фаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Вазирлик ушбу вазифани адо этиш учун юридик ва суд тизимини жалб этган ҳолда, бу борадаги ишлар-ни ҳар томонлама кучай-тириши зарур.

Хурматли йиғилиш қат-нашчилари! Сўзимнинг ниҳоясида

яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. **У ҳам бўлса, жамиятимиз-да тadbиркорликка бўлган муносабатни ўзгартириш масаласидир.**

Чунки, сир эмас, аҳолининг муайян қис-мида тadbиркорлик фао-лиятига, бу иш билан шу-гулланувчи одамларга нисбатан ишончсизлик, бегонасираш, ҳатто баъ-зан кўролмаслик каби э-с-к-ича дунёқараш асоратла-ри ҳанузгача яшаб кел-моқда. Ақсарият кишилар онгида тadbиркорлик дегани — бу ҳуқуқбузарликка мойил, қандайдир текин даромад ҳисобидан кун кўрувчи одам, деган но-тўғри тасаввур ва қараш-лар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Такрор айтман, бу — совет тузумидан мерос бўлиб келётган нотўғри қарашлар, ундан илжои борица тезроқ қутулиш даркор.

Албатта, барчамиз яхши тушунагимиз: кўпчи-ликни ўзига тортидиган ҳар қандай катта ҳаракат тўлқинларида бу ҳаракат-га қанадай ёпишиб оли-диган ноинсоф, иймонсиз кимсалар ҳам пайдо бўли-ши табиий. **Аммо бургача аччиқ қилиб, кўрнага ўт қўйиш ақлданми?**

Одамларимизда, ай-ниқса, ёшларимизда тadbиркорлик фаолияти бил-лан шугулланиш учун қизиқиш ва рағбат йў-тишимиз керак. Улар ўз иши, ўз бизнесини таш-кил этиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Токи, улар ўзининг тadbиркор эканидан уял-масин, аксинча, бундан фخرланиб, гурурланиб бўлсин. Чунки бутун ду-нёда тadbиркор деганда, одамнинг тасаввурига фаол ишбилармон, кучли ташкилотчи, омилкор раҳбар, пухта тайёргар-ликка эга, юксак мала-кали мутахассис келади.

Яна ва яна таъкидла-моқчиман: биз жамияти-мизда тadbиркорлик ру-ҳини қарор топтириши-ми ва уни ҳар томонла-ма мустаҳкамлашимиз ке-рак.

Шу муносабат билан буюк Амир Темур бобо-мизнинг ҳозирги куним-из учун ҳам долзарб бўлган бир ҳикматини эс-латмоқчиман: «Ишбилар-мон, мардлик ва шижоат соҳиб бўлган, азми қатъий, тadbиркор ва ҳашёр бир киши минг-минглаб тadbирсиз, лоқайд киши-лардан афзалдир».

Доимо эсда тутишимиз лозимки, тadbиркорлик, ишбилармонлик фаилат-лари халқимизнинг қони-да азалдан яшаб келади.

Барчамиз бир ҳақиқат-ни яхши англаб олишим-из зарур: тарихнинг қайси даврини олмайдик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор-гуралар ва тур-ли-туман текширувчилар эмас, балки ғайрат-ши-жоатли, ташаббускор ва тadbиркор инсонлар мам-лакатнинг гуллаб-яшна-ши ва халқ фаровонли-гини таъминлаганини қўрагимиз.

Мен аждодларимиздан мерос қолган ана шу эзу ағъаналарга солиқ бўлиб, уларни бугунги замон та-лаблари билан уйғунлаш-тирган ҳолда, олдимизга қўйган буюк мақсадлар-га еришиши йўлида бар-чангизни, бутун халқи-мизни бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат ҳаракат қилишга даъват этаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

